

НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ТҮГРИДАН-ТҮГРИ СОТИШ ТҮГРИСИДА

1 - сонли ШАРТНОМА

2022 й. "14" 09

Шахрисабз ш.

Кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталаувчи "Қарши нефт базаси" масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Б.Махмудов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталаувчи Ш.И.Б.К.О.Р. С.Департаменти номидан Н. Сатторев асосида иш юритувчи иккинчи томондан, ушбу шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини кабул килиб олиш ва ҳакини тӯлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар ўзаро келишилган холда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва микдорларини ушбу шартноманинг 1-иловасидаги спецификация оркали белгилаб оладилар.

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Сотувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

- | 2.1. Шартноманинг | тахминий | умумий | суммаси |
|---|--------------|----------------------|---------|
| <u>9820000 тижкуч шакло сифати кабул килиб ишга турунганни</u> | <u>мисул</u> | <u>ташкил килди.</u> | |
| 2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Сотувчи» томонидан уларни нефтни кайта ишлаш заводларидан биржга савдолари оркали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиши бўйича нефт база устамасидан (автобензин ва дизел ёнилғиси бўйича якуний истеъмолчига сотилганда тўланиши лозим бўлган акциз солиги хисобга олинмаган холда) шаклланади. | | | |
| 2.3. «Сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум килди. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичida амалга оширади. Акс холда «Сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни кўллаши мумкин. | | | |
| 2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Сотувчи»нинг банкдаги хисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. | | | |

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

- 3.1. Нефт маҳсулотлари «Сотувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли ёқилғи куюш шахобчаларидан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдикловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.
- 3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Сотувчи»нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда яъни автотранспорт хизмати ҳакки эвазига етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя килиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган холда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари кайта кўриб чиқилмайди.
- 3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс холда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг куйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари кўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2517-2012 давлат стандартига) мос тарзда тамгаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичida етказиб берилади. Нефти кайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳакда ҳабардор қилинган холда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари микдор бўйича кабул қилиш "Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини микдор жихатдан кабул килиб олиш тартиби тўғрисида"ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса "Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини сифат жихатдан кабул килиб олиш тартиби тўғрисида"ги П-7-сонли Йурикномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вактда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Сотувчи»нинг омборида ёки унга қарашли АЁКШда, айrim ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи»

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Сотувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши хамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда кайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб килиш хукукига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги конунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вактида етказиб бермаганлик учун хар бир кечикирилган кун учун вактида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.3. «Сотувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз хисобидан тиклаб бериш билан бир каторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торганилиги учун «Сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ кийматини ундириш хукукига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг кабул килишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал килинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор холатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкултда ва муайян шароитларда олдини сабаб бўлганилигини исботласа, жавобгар бўлмайди).

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар кандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар оркали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма радиша бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳакиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал килади.

9. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш тафсилотлари

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик микдори	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
					I	II	III	IV
Автобензин	-	-	-	-	-	-	-	-
Дизел ёкилғиси	литр	9820	1000	9820 000	9820 000	-	-	-

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“СОТУВЧИ”

“Карши нефт базаси” МЧЖ

Шахрисабз филиали

Шахрисабз тўман Ипак йўли кучаси-181 уй

ИНН: 200672124 МФО: 00432

ОКОНХ: 80190

Х/р: 20210000100530160001

СКБ Тошкент ш. Яшнобод филиали

Директор:

Б.Махмудов

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Ш.И.Г.Б.О.Р.С. Департаменти
Исламқадабод ш. Зебоим сўнгаси
Х/р: Ч0011166010470651001/10001
Гашгаш: Аз мөркабий ҳифзи
МФО: 00014 ОФОИК/90290
ИНН: 201239094
Директор: А.Самборов

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI
TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
№

1. Loyihaning turi: neft mahsulotlarini etkazib berish shartnomasi.
2. Loyihaning nomi: SHahrisabz shahrining tarixiy qismini obodonlashtirish, kukalamzorlashtirish va saqlash departamenti bilan "Qarshi neft bazasi" MCHJ o'rtasida tuzilgan neft mahsulotlarini etkazib berish shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: SHahrisabz shahrining tarixiy qismini obodonlashtirish, kukalamzorlashtirish va saqlash departamenti tomonidan 2022 yil 27 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:
2022 yil 27 yanvar



A.T.Do'stov